

---

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Туман ҳокимлиги катта мажлислар залида туман ҳокими Дилшоджон Джалиловнинг МФЙлардаги ИИБ профилактика инспекторлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда туман ҳокими Д.Джалилов бош туман прокурори И.Ходжаев, туман ИИБ бошлиғи Д.Раҳмонов ҳамда 33 та МФЙнинг профилактика инспекторлари қатнашдилар.

–Сизлар билан ҳар ойда бир мартта учрашимиздан мақсад маҳаллалардаги оилаларнинг яшаш тарзини билиш, ўзларинг учун иш фаолиятларингда керак бўладиган зарурий жиҳозлар билан таъминланганлик ҳолатини ўрганишдир, – деди туман ҳокими Д.Джалилов.

Шунингдек, туман прокурори И.Ходжаев МФЙларда жиноятчиликнинг олдини олишда профилактик тадбирлар долзарблиги ҳақида гапирди.

Ҳа, албатта, жиноятчиликнинг олдини олишда энг тўғри йўл бу- профилактикадир.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2022-06-10 11:18:45